**ИНГЛИЗ ТИЛИ АМАЛИЙ КУРСИ КАФЕДРАСИ ЙИҒИЛИШИ**

**№-9 БАЁННОМАСИДАН**

**КЎЧИРМА**

**04.04.2021.** **Қатнашдилар:**

Факултет декани проф. А.Маматов.

Кафедра мудири: Хамидова С.,

ва кафедра аъзолари

**Кун тартибида:**

1. Кафедра ўқитувчиси **С. Садикованинг** 745-21–гурухда "Тил аспектлари амалиёти" фанидан **"Society and institutions (Collocations in law, crime, war and peace"** мавзусидаги очик дарси мухокамаси.

**Сўзга чиқдилар :**

**Кафедра мудири Хамидова С., :** Ҳурматли жамоа бугун 04.04.2022 санада кафедранинг 2021 – 2022 ўқув йили учун режалаштирилган очик дарслар юзасидан навбатдаги очик дарс ўтказилди. Очик дарс кафедрамиз ўқитувчиси С. Садикованинг **"Society and institutions (Collocations in law, crime, war and peace"** мавзусида бўлиб ўтди. Очик дарснинг ўтилишини баҳолаш учун сизлардан ушбу очик дарс юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларингизни билдиришингизни сўрайман.



**Чет тиллар факультети декан ўринбосари Усанов Ф :** Бугунги ўтилган очиқ дарс давлатимиз томонидан чет тилларни ўқитишга ва ўрганишга яратиб берилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланилаётганлигининг яккол намуна сифатида келтирилиши мумкин.. Дарсда ўқитувчи ва талаба муносабати самимий бўлди. Дарс давомида мультимедия воситаларидан самарали фойдаланилди. Дарсда талабаларни якка, гурух ва ҳамкорликда ишлашларига имконият яратилди. Дарс давомида талабалар ўзларининг стратегиялари билан фаол иштирок этишди.



**Ўқитувчи Г. Мамирова:** “Мен ҳам юқорида билдирилган фикрларни қўллаган ҳолда шуни таъкидлаб айтаманки, дарс яхши режалаштирилган . Ўқитувчи белгиланган ўқув дастурига амал қилди ва мавжуд материаллар ва манбалардан фойдаланди.

Талабалар билим даражасидан келиб чикиб белгиланган ўқув дастурига мос келадиган тадбирларни танлади.





Талаба қобилиятига мос коммуникатив машклар танлай олди махсус талабалар учун мос бўлган машғулотлар, материаллар ва манбаларни фойдаланди."

**Кафедра мудири Хамидова С.:** Садикова С. ўзининг дарсга бўлган масулиятини кўрсата билди. Бугунги очиқ дарс масаласига келсак, ўқитувчи ўзининг малака тажрибасини кўрсата билди. Шунингдек, ўқитувчининг нутқи равон , ўқитувчи дарс жараёнида шундай дўстона атмосфера ярата олдики, талабалар эркин гапирдилар ва дарсда фаол қатнашдилар.

Очиқ дарс муҳокамаси юзасидан кафедра сўзга чиқишди ва дарс ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда кафедра йиғилиши қарор қилади:**

1. Кафедра ўқитувчиси С. Садикованинг 745-21 –гуруҳда “Тил аспектлари амалиёти” фанидан **“Society and institutions (Collocations in law, crime, war and peace”** мавзусидаги очиқ дарси яхши деб топилсин.

**Кафедра мудири:** **Хамидова С.**

**Котиб:** **Соибназаров Н.**